

Қайси бир соҳада сўз юритмайлик, йилдан-йилга ривожланиш даражаси жадаллашиб бораётганининг гувоҳи бўлаёلمиз. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз ва барқарор тинчлигимиз шарофати, ҳақимизнинг бир тану бир жон бўлиб амалга ошираётган фидойи меҳнати самарасидир.



Эъзозхоннинг гапидан ташқари ҳовлига бегона одам кирганини тасвирлайдиган бирон-бир из йўқ эди. Суриштирув мобайнида ота рўзгор юмушларига қарашли ўрнига кўп вақтини интернетда ўтказган ўн саккиз яшар қизини мунтазам равишда уришиб келгани аён бўлди.



Mustaqillik huquq demakdir

Ўшқшқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 12-fevral, №6 (943)

Марказий сайлов комиссиясида



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва кирк беш кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари — съезд ёки курултойи томонидан амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республи-

каси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни овозга қўйишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республи-

каси Президентлигига номзодларни кўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёнини якунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари киритилган.

14 февраль — Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



Темурийлар даври адабиётининг йирик вакили, Шарқ тамадунига катта ҳисса қўшган ҳукмдор, ҳасос шоир ва қомусий алома Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кунни халқимиз ҳар йили алоҳида эҳтиром билан нишонлайди. Чунки Бобур деганда кўз олдимизда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намоёнаси гавдаланади. Зеро, машҳур муаррих Мирза Ҳайдар таъбири билан айтганда: "Туркий шеърини Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас". Дарҳақиқат, Бобур ижоди мумтоз сўз санъатимизда Навоийдан кейинги алоҳида босқични ташкил этади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди.

Бобур — дилбар шахс

Бобурнинг тарбиясида катта бувиси Эсон Давлатбегим ва онаси Кутлуг Нигорхонимнинг хизматлари бекиёсдир. Ёш пайтда одоб-ахлоқ ва давлатни бошқариш тўғрисидаги таълимотларни ўзлаштиришдан ташқари, машҳур "Кобуснома"ни синчиқлаб мутлола қилди. Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" китобларидан ҳам дарс олди.

Отаси Умаршайх Мирзонинг тантилик ва саҳийлик, саводхонлик ва билагонлик, олиҳимматлик ва мардонворлик сингари фазилатлари ёшлигиданоқ Бобурга ўз таъсирини кўрсатган. Хушхўлқлик ва саховатпешалик, табиатдан ҳушқачқлик ва беғаразлик, дўстона суҳбатларни эъзозлаш каби хислатларини Бобур ўта мураккаб ҳаёти давомида янада бойитди, ўз навбатида, уларни наслларга мерос қилиб қолдирди. Бобурнинг ҳаётини кўп йиллар давомида ўрганган инглиз тадқиқотчиси Уилям Эрскин: "Инсоният фаолиятининг барча соҳасида осибелик шахзодаларнинг ҳеч қайсиси унга тенг келолмайди ва унинг ёнига қўйиш учун лойиғини тополмайсиз", деб ёзган эди.

Бобур баҳоидирона келбати, руҳан тетиқлиги, абжирлиги ва нозик диди билан ўзгалардан ажралиб турарди. У ортиқча бойликка ружу қўймади. Бутун умри давомида ва ҳатто давлат фаолиятида ҳам унинг бундай феълени кузатиш мумкин. Айни шу феъли туфайли укаларига меҳрибонлик кўрсатди. Фаним шу худбинлик йўлига ундаб, ғаламислик қилганларида ҳам уларга ғаразгўйлик қилмади, кенг феъллиги боис уларга нисбатан кўнглида гина сақламади.

Бобур бутун Осие тамадунига улкан таъсир кўрсатган буюк шахслардан биридир. У тақдир тақозоси билан аввал Афронистонни, кейинроқ Ҳиндистонни эгаллаб, бу мамлакатлар тарихий тараққиётида бурилиш ясади. Бу ҳақда хинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру "Хиндистон тарихи" китобининг бир жойида "Европа маданиятининг уч юз йилга илгарилаб кетишига Амир Темурнинг ҳиссаси қанча бўлса, Ҳиндистоннинг маънавий юксалишида Бобурнинг ҳам ҳиссаси шунча", деса, яна бир жойида "Бобур келиши билан Ҳиндистон янги сулола ҳукмронлигида қудратли салтанатга айланди. Шу боис, Европанинг ҳужум қилиш хавфи ёки эҳтимоли йўқ даражага тушиб қолди", дея таърифлайди.

Бобур салтанатни идора этишда ҳақнинг хоҳиши-иродасини инобатга олар, унинг манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Маданият, маънавий, яратувчанликнинг доимийлиги Бобур давлатидаги устувор йўналишлардан эди. Бу соҳаларга, жумладан, илм-фан ривожига у давлат аҳамиятига молик иш сифатида қараган. Шунингдек, у ободчилик ишлари билан ҳам шуғулланган, саройлар, қасрлар қурдирган, боғлар бунёд этган.

/Давоми 3-бетда/

Келгусидаги вазифалар белгилаб олинди

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билан юртининг мажлислар залида Куролли Кучлар қўмондонликлари, ҳарбий қисм (муассаса)лар командирлари (бошлиқлари) ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ҳарбий суди ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Шуҳрат Узаков Ўзбекистон Республикаси Президентининг Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан келиб чиқадиган вазифалар, жумладан, «Кексаларни эъзозлаш йили»да уруш қатнашчилари ва Куролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, қўшинларда қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилишини таъминлаш борасида ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, қўшинларнинг тайёргарлиги ва мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган сайёҳаракатларни изчил давом эттириш, шунингдек, оғоҳлик ва ҳушёрликни янада ошириш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Куролли Кучларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тарти-

Шуҳрат ОСМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

ботни таъминлаш, қўшин турларининг доимий жанговар шайлигини кучайтириш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий ва маиший шароитларни тизимли равишда янада яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда оила аъзоларининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлари янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар ҳамда Куролли Кучлар фаолиятига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ва Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси вакилларининг 2014 йил мобайнида тизимда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, қўшинларни ҳарбий техника ва қурол-яроғ ҳамда малакали профессионал кадрлар билан таъминлаш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан амалга оширган чора-тадбирлар хусусидаги маърузалари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши якунида кун тартибидан қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди ва улар ижросини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Амнистия — имконият демак

Ҳаёт йўли доим бирдек текис бўлмади. Баъзида унинг пасту баланди инсонни қийин аҳволга солиб қўяди. Қуттилмаганда ноҳиоз босилган қадам бутун умр виждон азобида яшашга маҳкум этиши ҳам мумкин. Ёки бил-иб-билмай қилинган хато тўғрисида инсон озодликдан маҳрум бўлиб, "сулланган" деган тамғани кўтариб юришига тўғри келади.

Аммо, мамлакатимизда бундай кишиларга тўғри йўлга чиқиб олишлари учун катта имконият яратилмоқда. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Амнистия инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларини ўзида муҳасам этиб, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадини кўзлайди.

Самарқанд вилоятида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган ҳолда муайян ишлар олиб борилмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган 562 нафар, тергов ҳибсхонасидаги 37 нафар, жазони ижро этиш инспекцияларида 1657 нафар ва суд ижрочилари департаменти тизимларида 320 нафар кишига амнистия

қарори татбиқ этилган. Шундан 1247 нафар маҳкум жазодан озод қилиниб, 1329 нафарининг жазоси қисқартirilган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг соғлиғини сақлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бандлигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимининг фармойиши билан чоратдбирлар режаси тасдиқланиб, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга қикариш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи тузилди. Шунингдек, жазодан озод қилинганларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва ўрнатилган тартибда тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш юзасидан соғлиқни сақлаш

Умир ТҲАМИШОВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

бошқармаси, муқаддам судланганларни ижтимоий муҳитга мослаштириш маркази ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ўзларига топширилган вазифаларни охирига етказмоқдалар.

Олиб борилмаётган ишлар самарасида вилоятда амнистия эълон қилингандан буён ўтган даврда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, ички ишлар органлари рўйхатига олинганларнинг 193 нафарига моддий ёрдам сифатида 118 млн. 587 минг сўм миқдорда пул маблағи тўланган. Жазодан озод этилганларнинг 215 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, хасталанганларни соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. 164 нафари ишга жойлаштирилди ва қолганларни ҳам иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Энг муҳими, маҳаллада, кўча-кўйда уларга ҳеч ким бегона кўз билан қарагани йўқ. Жазодан озод қилиниб, яқинлари бағрига қайтганлар бундан қилган хатоларини тузатиш учун берилган имконият деб би-лишмоқда.

Жазоланганига қарамай

Ҳаётда бир марта алашган баъзи инсонлар қилмишларига яраша жазони олгач, бирмунча эҳтиёткор бўлиб, имкон қадар қонунларни тақроран бузишдан тийилмадилар. Ҳалола меҳнат орқали рўзгор тебратадилар. Аммо баъзилар ноқонуний фаолияти учун жазоланса-да, ўз билганидан қолмай, хатони тақрорлайверишади. Нишон туманида яшовчи Уктам Раҳимовни ана шундай кимсалар қаторига қўшиш мумкин.

Уктам Раҳимов муқаддам жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг 2013 йил 12 августдаги ҳукмига кўра чигитдан олинган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш айби билан жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна бир бор ана шундай жиноятга қўл урди.

У ўзи яшайдиган ҳовлида чигитдан ёғ ва кунжара олинган қўлбола жувоз мосламасини ўрнатиб, қонунга хилоф равишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган экан. 2014 йилнинг 11 апрель кунини Нишон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда У.Раҳимовнинг уйда истеъмолга яроқсиз ёғ ва кунжара маҳсулотлари борлиги аниқланди. Шу кунининг унинг уйдан 8 дона полиэтилен қопларга жойланган 135 килограмм кунжара, 2 дона 36 литрли алюмин флага, бир дона 36 литрли елим идиш ва шу идиш ичида бўлган 5 килограмм истеъмолга яроқсиз пахта ёғи, бир дона баҳоси 200 минг сўмлик ёғ жувози ре-

дуктори, 400 минг сўмлик электр двигател ва бошқа қўлбола жувоз ускуналари ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди.

Уктам Раҳимов гарчи айбини тан олишдан бош тортса-да, тўпланган далиллар унинг ноқонуний қилмишини фош этди.

Жиноят ишлари бўйича Муборак тумани суди томонидан унга нисбатан энг кам иш ҳақининг тўрт юз баробари миқдориде жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда тўққиз ой-у уч кун муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси ҳам белгиланди.

Оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, имконият ва имтиёзлар хусусида маълумотлар, соҳа мутахассислари томонидан маслаҳатлар бериб берилмоқда. Хусусан, бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган ҳар бир фуқаро учун имконият ва шароитлар етарлидир. Фақат мазкур фаолиятлар қонун доирасида амалга оширилса ки-фоя. Аммо амалдаги қонунларни менсимай, осон ва тезроқ бойиш илнжида ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган инсонлар бир кун келиб, пўшаймон бўлишларини унутмасликлари лозим. Зеро, қонун барчага бирдек баробар.

Қамол БАХТИЕВ,

Муборак туман прокурори ёрдамчиси



Тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Давлатимизнинг бу борадаги сиёсатининг бош мақсади — тадбиркорларни, шу жумладан, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат. Ушбу жараёнда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимояси изчил таъминланаётгани муҳим аҳамият касб этди.

Доимий эътибордаги масала

Шу маънода, Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юзасидан қабул қилинган фармон ва қарорлари ҳамда бу борадаги ҳуқуқат қарорлари ва Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи талабларидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юриштиш учун шарт-шароит яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳамда уларнинг муаммоларининг амалда ечилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси томонидан қўшма фармойиш ишлаб чиқилиб, шу асосда ҳар ойда 2 марта тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Чунончи, 2014 йилда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, назорат қилувчи органлар, банклар, савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 355 маротаба учрашув ўтказилиб, унда жами 18781 та тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Ушбу тадбирлар жараёнида 27 та тадбиркорлик субъектига 1028,0 млн. сўмлик кредитлар ажратилиб, 2 нафар фермерга 150 га., 23 нафар тадбиркорга эса 152 га. ер майдонлари ажратилишида амалий ёрдам берилди. Шунингдек, 258 та тадбиркорлик субъектининг рухсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масаласи ҳал этилиб, 4017 та тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари, 2014 йилда вилоят прокуратура органларининг ишонч телефонларида 231 та, шундан тадбиркорлик субъектларидан 163 та муурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 137 таси қаноатлантирилди. Жумладан, Шўрчи туманида яшовчи

Илхом АБДИЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

фуқаро С.Рашидовнинг метан газ қуйиш шохобчасини электр тармоғига улашда амалий ёрдам бериши сўраб вилоят прокуратурасининг ишонч телефонига қилган муурожаати туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктларида зарур савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, ўтган йилда қишлоқ жойларида прокурорларнинг ташаббуси билан 659 та тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Бунинг натижасида 722 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги янги қонун ҳужжатларини, прокуратура ва бошқа идоралар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги амалий тадбирларни тадбиркорлар эътиборига етказишда туман-шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда ўтказилган тадбирлар натижаларига кўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 39 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид равишда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 47 та протест келтирилиб, 12 нафар мансабдор шахсга нисбатан қонунбузилишига йўл қўймастик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинди. Прокурорларнинг тақдимномаси ва қарори билан 30 нафар шахс интизомий, 19 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини қўзлаб судларга 3,8 млрд. сўмлик 227 та ариза киритилиб, аниқланган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди.

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Бобур — дилбар шахс

Айниқса, Бобур феълдаги олиҳимматлик, адолат ва камтарлик фазилатлари машаққатли кунларда юзага чиқади. Қобулда исёнчилар бош кўтаргани ҳақида чопарлар Бобурга нохуш хабар келтиришди. Киш мавсуми эди. Хиротдан Ҳиндикуш тоғлари орқали тезроқ Қобулга етиб бориш мақсадида кўп қийинчиликларга дуч келишди. Довон йўли чиндан ҳам хатарли бўлиб, қалин қор бўрони ичида музлаб қолиш эҳтимоли кўп эди. Бобур навбарлар билан баробар қор тепиб, йўл очди. Улар билан бирга кечани қор устида ўтказди. Уни иссиқроқ гор ичига тақил қилишганда рад этиб, горга кексалиги учун фақат Қосимбекни олиб киришни буюради. Ўзларининг ўлим билан юзма-юз турганликларини ҳаёлидан ўтказиб, ҳаёт-мамонт олдида شوҳу гадо баробарлигини эслатади ва эл чеккан машаққатни бирга чекишни афзал билади.

Бобур кўп хиёнатлар кўрди, фитналардан кўнглига кўп озорлар етди. Аммо булар унинг табиғатидаги эзгу фазилатларни йўқотолмади. Аксинча, ўзининг таъкидлашича, ота-боболарнинг анъаналарига амал қилди. Халқнинг "Яхшилик қил дарёга от, балиқ билар, балиқ билан соҳил холиқ билар", деган доно ҳикмати уни умри йўлида дастуриламал деб билди.

Бобурнинг шахсияти ва олижаноб хислатлари Америка ва Европада ҳам тан олинди. Бундан бир неча аср илгари Рашбрук Уилиямс ёзган "Ун

олтинчи аср бунёдкори", Хорят Ламбнинг "Бобур — йўлбарс" ва Анна Флора Стилнинг "Тож кийган дарвеш" номли асарлари ва бошқа асарлар бутун дунёда тан олинди ҳамда қизиқиш билан ўқилди.

Бобурнинг асарларини мутлола қилар эканмиз, уларда инсон тарбияси, отанинг фарзандларга нисбатан ғамхўрлиги, оилага юксак муносабатига оид фикр-мулоҳазаларига дуч келамиз. У энг аввало, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор берган. Бутун умри давомида ўғилларни Ҳумоюн, Комрон, Аскарый ва Ҳиндол мирзоларга насихатлар қилар экан, уларнинг салтанат билриги учун жиқслашишини истади, ёши улуғларга эҳтиром кўрсатишга ундайди. Айниқса, катта фарзанд Ҳумоюндан салтанат фармон ва амрларига итоат этишини, кичик фарзандлардан эса унга бўйсунини қаттиқ талаб этади. Ҳумоюнга укаларига меҳрибон бўлиш, уларнинг камчиликларини кечирини тайинлайди.

"Бобурнома"да баён этилган, ўғли Ҳумоюнга ёзилган мактубда унинг фарзандлар тарбиясидаги қарашлари давлатчилик қонуни билан яхлит эканлигини кўради. Бунда Бобур мулк тақсимотида ака-укалар орасида бир-бирларини қадрлаш, эҳтиром кўрсатиш, мулкларига тажовуз этмасликни алоҳида уқтиради. Бу ҳам тарбия, ҳам салтанат



дахлсизлигини химоя этиш одоби ҳисобланган. "Агар Тангри инояти била Балх ва Хисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса Хисорда сенинг (яъни Ҳумоюн Мирзонинг — Н.Ф.), Балхда Комроннинг киши бўлсун. Агарда Тангри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандда сен ўлтирил, Хисор вилоятини иншооллоқ, холиса қилгумдур. Агар Комрон Балхни озирганса, арзадош қилинг, иншооллоқ анинг қусурини ўшал вилоятлардин — ўк рост қилгумиздур... Яна ининг билан яхши маош қилгайсен. Анинг ҳам муташарруъ ва яхши йигит қулубтур, ул ҳам мулозамат ва яқжиҳатлиқта тақсир қилмағай".

Ҳумоюнга битилган бу мактубда фақат салтанат муаммолари ва фарзанд бурчи ҳақида сўз бормади, балки ундаги ёш шахзода шахсини камол топтиришга қаратилган фикр ҳам ўта муҳимдир. Бобур Ҳумоюндан укаларига эътибор беришини сўраш билан бирга, унинг саводли бўлиши, ёзишмаларида имло ва хат, ҳунихат ва сўз жоҳибаси, мантиққа алоҳида аҳамият қаратиши лозимлигини уқтиради. Бу ўғиллар билар давр ёшларининг тарбиясига ҳам дахлдорлигини кўради. Бобурнинг Ҳумоюнга йўллаган мактубида ўз салтанати ворисига мўъри билан бирга, унинг қатъияти ва талабчан қарашлари ҳам ўз ифодасини топган.

Бобурнинг аёлларга хурмати ва меҳрибонлиги ҳам кишини лол қолдиради. Туғишган опаси Хонзодабегимга кўрсатган иззат-хурмати, опасининг тақдирига ачинишлари, фавқуллода ғамхўрлиги бунинг яққол исботидир. Ёхуд катта бувиси Эсон Давлатбегимга хурмати-чи? Мана, подшоҳ Бобурнинг бу улуг зотга хурмат юзасидан берган баҳоси: "Хотунлар орасида раъи ва тадбирда менинг улуг онам Эсон Давлатбегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббиров эди".

Бобурнинг оилага бўлган чексиз меҳрини унинг қизи

Норбўта ҲОЗИЕВ,
"Huquq"

Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюн-нома" асаридидаги бир ҳолат ҳам тасдиқлайди. Шоҳ Бобурнинг Аградаги саройига унинг хотини Моҳимбегим ўз ҳамроҳлари билан ташриф буюради. Шунда Бобур Моҳимбегим минган отнинг жиловини тутиб, саройгача яёв келгани тутиб, бу учрашувга қанчалик ошқинглигини ўзи бу буюк шахснинг ўта оилапарвар эканлигини кўрсатади: "...Намозом пайтида бир киши келиб, "Ҳазратни икки қурва нарида қолдириб келдим", деди. Подшоҳ бобом ҳазратлари то от келтурганларигача тоқат қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нинча Моҳим укаларини олдида биз билан учурдиклар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ бобом кўймади, ўзлари онаминг отларининг жиловларидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда келдилар".

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жаҳоҳарлаъл Неру таъбири билан айтганда: "Бобур — дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор инсон бўлган". У атрофидидагиларга, қолаверса, ўз оила аъзоларига яхшилик қилиб яшашни ўзининг яшаш тарзи деб билди ва энг мураккаб вазиятларда ҳам шу принципига содиқ қолди. Эътиқоди мустаҳкам, имони бутун, шу билан бирга, ҳиммати баланд қомил инсон сифатида ном қозонди.

Тинчлик энг бебаҳо неъмат

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, муҳофаза ва хавфсизлик, таълим, тиббиёт, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги, бир сўз билан айтганда, жамият ва давлат ҳаётининг барча жаҳалларидаги изчил ислохотлар Юртбошимиз томонидан барқарор тинчлик ва қафолатли хавфсизликни таъминлаш бўйича юритилаётган оқилона сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқлардаги ободончиликлар, қад кўтарилган замон талаблари даражасидаги уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва раван йўллар, бог ва хиёбонлар, маданият масканлари, кўйиник, буларнинг барчаси юртимиз қиёфасига кўрк қўшиб, фуқароларимизнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтирмоқда.

Қайси бир соҳада сўз юритмайлик, йилдан-йилга ривожланиш даражаси жадаллашиб бораётганининг гувоҳи бўлаёلمиз. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз ва барқарор тинчлигимиз шарофати, халқимизнинг бир тану бир жон бўлиб амалга ошираётган фидойий меҳнати самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, биз қўлга киритган, азалий орзу-умидлар рўёби бўлган мустақиллик, озодлик, эркинлик, тинчлик, доя аталмиш бебаҳо неъматлар ва эришилган барча муваффақиятлар ҳар биримиздан доимо оғоҳ бўлишни, бор куч ва ғайратимизни аямасдан, фидойилик ва садоқат билан юртимиз фаровонлиги, тараққиёти ва хавфсизлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилишимизни тақозо этади.

Шу ўринда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонли Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида эришилган натижалардан

хотиржамлик туйғусига берилмаслик ва оғоҳлик масалаларидаги қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: "Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ таъриба аққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта худудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда ағалла олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар тугдирмоқда..."

Дарҳақиқат, жаҳонда ва минтақамизда вужудга келган мураккаб ва таҳликали бир шароитда хушёр ва оғоҳ бўлиш, она-Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш энг биринчи галдаги вазифамиздир. Чунки ён-атрофимизда ва дунёда юз бераётган жоғаро ва тўқнашулар, халқаро жиноятлар, сарҳадларимизга бевосита яқин худудларда таҳдид ва хавф-хатар

нинг кучайиб бораётгани, оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнларнинг барчаси бугун ҳар биримиздан юксак даражадаги оғоҳликни, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор хуружларга доимо тайёр туришимизни талаб этади.

Бугун биргина терроризмнинг ўзи бутун дунёни ҳар қадамда оғоҳ бўлишга, унга қарши ҳар томонлама курашишга ундамоқда.

Терроризм сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа давлатга ҳамда конституциявий тузумга қарши мақсадларни амалга ошириш учун аҳолини ваҳимага, даҳшатга тушириш ва қўпурвчилик хатти-ҳаракатлари орқали ҳар қандай хунрезликдан қайтмайдиган халқаро жиноят ҳисобланади. Бундан ташқари, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси, уюшган жиноятчилик ва коррупция, айирмачилик, ирқчилик, шовинизм ва бошқа турли кўринишлардаги хуружлар ҳам шулар жумласидандир. Таҳдидлардан химояланиш, ҳар хил алдовларнинг домига тушиб қолмасликнинг бирламчи асоси эса аввало, ҳар бир юртдошимизнинг оғоҳлиги, юксак маънавияти ва ҳуқуқий маданияти, юқори билим ва тафаккурга эга эканлиги билан узвий боғлиқ.


Аҳоли, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни тизимли, тўғри ва самарали ташкил қилиш ғоявий бўшлиқларга йўл қўймаслик ва инсонлар онгида бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш учун муҳим асос ҳисобланади. Бу борадаги ишларни ҳарбий қисм ва муассасаларда янада жадаллаштириш, ҳар бир ҳарбий хизматчининг шахсий масъулияти ҳамда жаобгарлигини янада ошириш муҳим вазибаларимиздандир.

Баҳоидир ҲУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурори ўринбосари

Шу нуқтаи назардан, юқорида баён қилинган оғоҳлик масалаларида ва бу борадаги қонунчилик, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Ватан химоячиларига йўллаган байрам табригиндан келиб чиқадиған вазифалар мазмун-моҳияти юзасидан ҳарбий прокуратура органлари томонидан республикамиздаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунчилик тарғиботи тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, чегараларимиз дахлсизлигини ва сарҳадларимиз хавфсизлигини ишончли таъминлашда "Халқ ва армия — бир тану бир жон" эканлиги энг муҳим омил саналади. Шу боис, маълуматимизнинг чегараолди худудларида яшовчи аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган учрашувлар, суҳбат ва бошқа оғзаки шаклдаги тарғибот тадбирлари жорий йилда ҳам давом этирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, доимий оғоҳлик ва шайлик — мустақиллигимиз ва тинчлигимизни ҳамда эришган барча муваффақиятларимизни авайлаб-асрашнинг, буюк келажакда бўлган ишончимизнинг истикболдаги рўёбига эришишнинг, ўз навбатида, эркин фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда қонунларга хурмат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасининг ишончли қафолатидир.

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари доимий назоратда



Самандар АСТОНОВ,
Бош прокуратура бўлим
бошлиғи

Мамлакатимизда давлатимиз томонидан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялаб вояга етказишга катта аҳамият берилмоқда. Улар юксак маънавиятли, етук билимди ва жисмонан соғлом бўлиб камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шунга монанд равишда фарзандаларимиз ҳар соҳада етуқликка интилиб, юртимизга муносиб фарзандалар бўлиб улғаймоқдалар. Бу ишда прокуратура органлари томонидан уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ўтган йилда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Албатта, фаолиятимизда асосий эътибор вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликини мустаҳкамлаш ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирлар ижросига қаратилди. Хусусан, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун ижросини ўрганиш натижаларига қўра, мутасадди вазирликларга юборилган таҳлилий ҳужжатлар асосида "Соғлом бола йили" Давлат дастурига қилинган тадбирлар доирасида Вазирлар Маҳкамасининг "Спорт мактабларини малакали тренер кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини

яратиш тўғрисида"ги ва "2015-2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 338-сонли Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига асосан Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъуллигидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тадбирлар белгилаб, уларнинг ижроси таъминланди. Масалан, Дастурнинг 1-бандига асосан "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахриридаги лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига юборилди.

Шунингдек, Дастурнинг 51-бандига асосан вояга етмаганларнинг кўнгил очиш жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз бўлишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган тадбирлар доирасида қузатувисиз юрган 1025 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, бунга йўл қўйган

584 нафар масъул шахс ҳамда 588 нафар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Дастурнинг 53-бандига асосан "Ёшлар ва қонун" тарғибот лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ўтказилган 13 дан ортиқ тарғибот тадбирларида 538 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Тадбирлар давомида 26 мингдан ортиқ буклетлар тарқатилди, 1,5 мингдан ортиқ баннерлар ўрнатилди, матбуот, радио ва телевидениеда 2,5 мингга яқин чиқишлар қилинди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия иш режасида белгиланган тадбирлар асосида вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан доимий равишда назорат тадбирлари олиб борилди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимида никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, болаларда касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, болалар тиббий кўригини ва даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўз вақтида ташкил этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар самарадорлиги текширилди.

Текшириш натижаларига қўра 53 та ноқонуний ҳужжатга прокурор протестлари келтирилиб, қонунбузулиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 280 та тақдирнома киритилди, 621 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, 9 та жиноят иши қўзғатилди ва 294 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланди.

2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилинганлиги мубоабати билан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларни жойлаштириш, ушбу тоифадаги болаларнинг турар

жойлари сақлаб турилиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда турар жой билан таъминланишига оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилди. Ушбу даврда алоҳида уй-жойга эга бўлмаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг 206 нафари турар жой билан таъминланди. Мисол учун, Бухоро вилоятида 64 та, Самарқанд вилоятида 40 та барча қулайликларга эга бўлган хонадонлар шундай болаларга топширилди.

Умуман олганда, комиссиянинг 2014 йилга белгиланган иш режаси асосида 509 та протест келтирилди, 389 нафар мансабдор шахс огоҳлан-тирилди, 1 520 та тақдирнома, 33 та даъво аризаси киритилди, 57 та жиноят иши қўзғатилди, 4 614 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 738 нафар вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Бош прокуратурада "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Бундан ташқари, Бош прокуратурада Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Урта махсус, касб-хунар таълими Маркази ва Тошкент Давлат юридик университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги юридик коллежлар ва Тошкент Давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчилари билан учрашувлар ўтказилиб, унда ўқувчиларга ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, айниқса, мамлакатда юридик таълим тизимида

амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, прокуратура органлари фаолияти ҳақида атрофлича тушунтириш берилди.

Комиссия масъул котибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Йилнинг энг яхши масъул котиби" танловлари ўтказилди. Шу билан бирга, масъул котибларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида 2014 йилнинг июнь-июль ойларида махсус ўқув машғулоти ташкиллаштирилиб, унга 64 нафар масъул котиб жалб қилинди. Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги тизимида болаларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи 123 нафар мутахассисларнинг ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академиясида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг 60 нафар ходимининг касб маҳорати ва малакасини ошириш юзасидан ҳам машғулотлар ўтказилди.

Умуман олганда, вояга етмаганлар муҳитида қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 23 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Комиссиялар томонидан таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган 12 мингдан зиёд ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида қўрилган чоралар натижасида ўтган даврда вояга етмаганларнинг жиноятчилиги сезиларли даражада камайди.

Болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ва бунга мутасадди бўлган давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг масъулиятини янада оширишга қаратилган тадбирлар прокуратура органлари ҳамда комиссиянинг доимий назоратига олинган. Бу соҳадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Семинар

Пойтахтимизда "Табий ресурслардан оқилона фойдаланиш — тадбиркорликни барқарор ривожлантириш омили" мавзусида семинар ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог мутахассислар, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жамиятимизда модернизация

Эколог ва ишлаб чиқариш

ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш, ишбилармонлик муҳитини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қўлай шароит яратиш мақсадида табиати муҳофаза қилиш соҳасига тааллуқли ружатнома ва хулосаларни расмийлаштиришда барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, соҳа вакилларини экологик қонунчилик билан таништириш, табиий

ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Мазкур семинардан қўзғалган мақсад бу йўналишдаги амалий ишлар кўламини кенгайтириш, тадбиркорлар учун очик мулоқотлар ташкил этиш, экологик қонунчиликни ҳаётга татбиқ этишини самарали усуллари кенг тарғиб қилиш, экологик соф технологияларни ривожлантиришдан иборат.

Тадбирда экологик сертификатлаштириш, стандарташтиришнинг асосий қоидалари, экологик менежментни тат-

биқ этишга йўналтирилган экологик аудит ҳамда ташкилий-иқтисодий воситалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди. Корхона ва ташкилотлар вакиллари қизиктирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

Қатнашчилар бундай семинарлар экологик қонунчилик тўғрисида кенгроқ маълумот олиш, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

Нуроний юзларда балқиса

офтоб...

Улуғ ёшларга етиб, фарзанллар ардоғида кексалик гаштини сурмоқ инсон учун улуғ саодат экан. Невара-чеваралар қуршовида, уларнинг қувончига шерик бўлиб, исмларинида адаштириб қўйиш ҳам бир бахт экан. Ҳар сафар волидаи муҳтарамам — онажонимни кўргани борганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.



Фазилат ЁДГОРОВА,
«Huquq»

Жамиятимизнинг алоҳида қатлами-ни ташкил этадиган ёши улуғ кишиларга, турмушининг аччиқ-чучугини кўрган, бой ҳаётини тажрибага эга бўлган инсонларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатиш азалий қадриятларимиз сирасига кирди. Юртимизнинг қайси гўшасида, қай бир хонадониде бўлмасин, кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганига гувоҳ бўлувчи хорижлик баъзи меҳмонлар ажабланишади. Бундай ажабланишга ўрин йўқ. Чунки кексаларни эъзозлаш туйғуси миллат менталитетига хос бўлган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган туйғудир.

Тараққиёт чўққиларини забт этишга яқин турган, халқининг турмуш даражаси юксак саналувчи мамлакатда бир неча йил таълим олиб, ишлаганига тўғри келган жиянимнинг бир гали эътиборимни тортиди.

“У юртининг кексаларига ҳавас қилолмайман. Улар кексайиб, меҳнатга ярамай қолганлари учун ўзларини гўёки айбдордай санашади. Мен уларга Ўзбекистонда кексаларнинг нечоғли эъзозланишини, фарзандлар ота-оналарини мудом ардоқлашини, уларни ҳеч қачон қисмат қучоғига ташлаб қўймаслигини айтсам, ишонглири келмайди. “Нахотки ҳалиям шундай авлодлар бор бўлса”, дея ўзаро муҳокамага киришиб кетишади. Айримлари ўзбеклар кекса ота-онани ҳақларини қандай адо этиши ҳақида гапириб беришимни қайта-қайта илтимос қилишади”...

Болалик хотираларимдан бир машъум ривоят сизиб чиқаверди. Уни сиз ҳам эшитгансиз ёки ўқигансиз. Унинг қисқача мазмуну бундай: қадимда бир золим ҳумдор мамлакатдаги жамики кексаларни кимсасиз жойга олиб бориб ташлаш ҳақида фармон беради. Унга бўйсунмаганларни муқаррар жазо кутади. Буни қарангки, қанчалик адолатсиз бўлмасин бу фармон одатга айланади. Бир кун бир йигит кексайган отасини кўзи қийиб қиймай ўша кимсасиз жойга олиб бориб ташлаш учун йўлга

чиқади. Отаси кекса эмасми, ўғил уни елкасига опичлаб олган. Йўл узок, Чарчаган ўғил дам олиш учун бир дарахт тагида тўхтади. Шунда кекса отаси қаҳ-қаҳ отиб кулади, сўнг йиғлайди. Ўғил бунинг сабабини сўраганда отаси: “Мен ҳам бир пайтлар отамни кимсасиз жойга олиб кетаётганимда шу дарахт тагида дам олган эдим”, дейди... Сўхбат асносида жиянимга ана шу ривоятни эслатдим.

“Йўқ, — дейди жияним, — улардаги бугунги оқибатсиз фарзандлар учун уларнинг ота-оналарини айблаш унчалик тўғри эмас. Кекса авлод вакиллари бу мамлакатни тараққиёт поғонасига олиб чиқиш учун ҳаётларини тикишган. Улар ҳаётини меҳнат қилиш ва бойлик тўплашдангина иборат деб ҳисоблаб, тўқин ҳаёт учун ҳамма нарсага тайёр туришган. Ва келажак авлод учун деярлик ҳамма нарсани муҳайё қилишди. Эҳтимол уларнинг хатоси мана шундадир”.

Бу билан ҳеч нарсага иддаомиз йўқ. Фақат мулоҳаза қилиб кўриш ниятидамиз, холос.

Бугун биз оммавий маданият журуж қилиб, хоҳ у, хоҳ бу кўринишда ўзининг асл қиёфасини намоян этиб турган даврда яшамоқдамиз. Шукрки, бу “маданият” халқимизнинг биз мулоҳаза юритаётган қадриятларига дахл қила олгани йўқ.

Юртимизда нуроний отахонлар, нуроний онахонлар ҳамisha эъзозда. Муҳтарам ИНСОН қадри улуғ. “Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар — шунга эътибор беринг — 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим”, — дея таъкидлаш Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма икки йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузасида.

Эл-юртининг тинчлиги ва осойишталиги, ободлиги ва фаровонлигида ҳаёт мактабини ўтаган кексаларимизнинг ўрни бўлакча. Улар мудом бизни яхшиликка, ҳалол меҳнат ва хайрли ишларга ундаб келишмоқда. Ўзларининг дуолари билан сизу бизни, юртимизни маҳфуз этиб келишмоқда.

Мамлакатимизда нуронийларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Муқаддас динимиз ҳам кекса ёшли кишиларни ҳурмат қилишга чорлаб келган. Иймон-эътиқодли нуроний кексаларнинг насихатларига қулоқ тутиш, уларнинг ҳақларини адо этиш эзгуликнинг бардавомлигини таъмин этади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) кексаларни улуғлаш ҳақида бундай деганлар: “Ёш йигит кекса кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўяди”.

Конституцияимизнинг 39-моддасида ҳам “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилган.

Истиклол йилларида кексаларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг ёш авлод тарбиясидаги ролинини янада ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, нуронийларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик жаҳон стандартларига мос равишда тақомиллаштирилди, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усуллари жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 1 октябрдаги “Халқаро қариялар кунини муносабати билан республикамизнинг кекса фуқароларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони билан мулкчилик шаклларида қатъи назар, қорхоналар, хўжаликлар, муассасалар ва таш-

килотларда ишлаётган ҳамда пенсияда бўлган кексаларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди.

1996 йилнинг декабрь ойида Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ташкил этилди.

2002 йил мамлакатимизда “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилиниб, ёши улуғ кишиларга ҳурмат ва эътибор янада кучайтирилди. Шунингдек, 9 май куни юртимизда “Хотира ва қадрлаш куни” деб белгиланди. Ушбу байрам шарофати билан кекса отахону онахонларимиз халқимиз эъзозиде бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. “Хотира ва қадрлаш куни” ҳавас қилса ярашгулик байрамга айланади. Бу кун тарихининг оғир синовларини бошдан кечирган, фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги отахону онахонларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш айёмидир.

Шунингдек, 100 ёшга кирган бобо ва бувиларимиз “Шўҳрат” медалига муносиб кўрилмоқда, кекса авлод вакилларига нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони олайлик. Унга асосан шу тоифага кирувчи отахон ва онахонларимиз йилга бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имконига эга бўлиши.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилингани бу эзгу ишлар давоми эканлигини яна бир бор исботлади. “Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меро-

сини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганининг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз”, дейди муҳтарам Президентимиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кекса авлодга эътибор ва ғамхўрлик кун сайин янада кенгайиб бормоқда.

Инсон қадри ҳар нарсадан устун. Шу боис бўлса керак, инсон борки ўз қадр-қиммати учун қайғуриб яшайди. Айниқча, ёшлик шижоати, қуч-ғайратини йиллар олиб кетган кексаларнинг атрофдагилар эътибор ва ардоғига — қадрлашларига эҳтиёжи ортади. Эъзоз топган инсонлар неча йил умр кўришларидан қатъи назар, барҳаётдилар!

Ибн Хиббон ривоят қилган бир ҳадисда расулуллоҳ солаллоху алайҳи васаллам: “Барака катталарингизда кекса авлодга эътибор, дея марҳамат қилганлар. Ҳақиқатан ҳам кексаси бор хонадон баракали бўлади. Уларнинг борлиги сабаб хонадонларимиз кут-баракали ҳамда файли, уларнинг дуолари сабаб юртимизда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурмоқда.

Соқлар бизнинг ғамимизда оқарган, нури юзларига биз сабаб ажин тушган отахону онахонларимизни қанча эъзозласак кам. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ, энг савобли иш”.

Сирка кислотасига ишқи тушган эди

Бугунги иқтисодий ислохотлардаги ютуқларга юртимизда хусусий сектор, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлар сафини кенгайтириш орқали эришишмоқда.

Хусусан, имтиёзли кредит ресурсларидан фойдаланиш, кичик бизнес соҳасида инновация лойиҳаларига қўмаклашиш тизимининг яратилганлиги, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлашга доир қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари тадбиркорга ўзига хос қанот вазифини ўтапти. Бир сўз билан айтганда, иқтисодий ённинг асосий таянчига айлиниб улгурган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси

ўзининг ривожланиш суръатлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш орқали тадбиркорлар давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз мақеаларини мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо ноқонуний тадбиркорликни касб қилган айрим фуқаролар ҳам учраб турибдики, уларнинг қилмишини ҳеч нарса билан

оқлаб бўлмайди.

Шундайлардан бири Кармана туманида истиқомат қилувчи фуқаро Назифа Мардонова (исм-фамилияси ўзгартирилган) дир. СВОЖДЛҚК департаментининг Навоий вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Н.Мардонова сирка кислотасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган яширин цех ташкил қилганлиги аниқланди.

Цехдан 12 минг литр 99,6 фоизли сирка кислотаси, 235 литр қўлбола усулда тайёрланган сирка кислотаси, 911 дона қонуний тартибда

ишлаётган бошқа тадбиркорлик субъектларига тегишли маҳсулотлар учун ёрликлар, қўшни давлатларда ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги этикеткалар, копоқлар, сирка кислотаси учун мўлжалланган шиша идишлар ва бошқа қўлбола анжомлар ашёвий далил сифатида олиниб, ҳужжатлаштирилди.

Лаборатория текширувлари эса сохта тадбиркор томонидан тайёрланган сирка кислотаси санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермаслиги ҳақидаги хулосасини берди.

Халқимизда "Қинғир иш-

Азизбек ХАЛМУРЗАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаменти бўлим
катта инспектори

нинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам қақди", деган нақл бор. Назифа Мардонова бу нақлни эшитган бўлса-да, ҳеч бир қонун талабларига мос бўлмаган фаолият билан шуғулланган. Аммо у нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўйиши мумкинлигини кеч англаб етди.

Суд ҳукми билан Н.Мардонова тегишли жазога тортилди.

Жазога етаклаган савдо

Дўкон эгаси харидорга бир қутти сигарет, бир неча идишда ичимликлар ҳамда бир шиша спиртли ичимлик бериб, 34 минг сўм пулни санаб олди. Бироқ у бу пуллари назорат-касса машинасига кириш қилмади. Харидор чиқиб кетгач, дўконга кириб келган СВОЖДАЛҚК департаментининг туман бўлими ва давлат солиқ инспекцияси ходимлари назорат-харида тадбири ўтказилаётганини айтиб, ҳужжатларни тақдим этишни сўрашди.

Фаргона тумани Воҳид қишлоғидаги ушбу савдо дўконининг эгаси биронта ҳужжатни тақдим эта олмади. Тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, махсус рухсатномага ҳам эга бўлмай, қонунга хилоф равишда алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб келган С.Дадажоновнинг дўконидан 116 турдаги жами 10 млн. 538 минг сўмлик спиртли ичимликлар, тамаки ва озиқ-овқат маҳсулотлари ашёвий далил тарикасида олиниб, белгиланган тартибда дало-

латнома тузилди.

Шунингдек, ашёвий далил тартибда олинган тўрт турдаги ароқ, бир неча турдаги коньяк ва винонинг истеъмолга яроқсизлиги, инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Ушбу ҳолатга нисбатан кўзгатишган жиноят иши суд мажлисида кўриб чиқилди.

Судланувчи С.Дадажонов харидордан олган пуллари назорат-касса машинасига кириш қилмагани, чек ҳам бермаганига, давлат рўйхатидан ўтмай, махсус рухсатнома олмастан савдо қилганлиги-

Ўткир ТОШҲУҶАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Фарғона
туман бўлими бошлиғи

га, спиртли ичимликлар сотиш билан шуғулланганига тўлиқ иқдор бўлди. Унинг айби бундан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан ҳам тасдиқланди. Муқаддам судланиб, амнистия актига асосан жазодан озод этилган судланувчининг астойдил пушаймонлиги, иккинчи гуруҳ ноғиронлиги, оилавий шароити, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани эътиборга олиниб, унга энг кам иш ҳақининг элик баробари миқдорига жарима жазоси тайинланди. Суд ҳукмига биноан, ашёвий далил тарикасида олинган 106 турдаги 10 млн. 145 минг сўмлик тамаки ва алкоғол маҳсулотлари йўқ қилинди.

«Сих ҳам куйди, кабоб ҳам»

Аҳдам ТҲҲАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Ғиждувон туман бўлими бошлиғи

Бироз сўхбатдан сўнг, муаммо ҳал этилгандек бўлди. Туман ДСИнинг бўлим бошлиғи ўринбосари Мансур Аҳмедов "қунадиған" йигитлардан чиқиб қолди. Ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ж.Калонов ноқонуний савдо вақтида қўлга киритиши керак бўлган 21 млн. сўмдан ортиқ ҳамда унинг хазинасидаги 9 млн. 220 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Бироқ, солиқ идораси ходими ўз манфаатини устун қўйиб, нафсини жиловлай олмади. Ушбу ҳаракати қонунга хилоф эканлигини, мисқоллаб йиққан обрўсига пугур этишини билса-да, бу йўлдан қайтмади. Сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликни ўйлаб, қонун талабларидан ташқарида иш олиб борди.

М.Аҳмедов тадбиркорнинг фаолиятида қиска муддатли текшириш ўтказди. Ушбу жараёнда Ж.Калоновга тегишли 312 млн. 600 минг сўмликдан ортиқ товар-моддий бойликлар борлиги аниқланди. Аммо солиқ идораси ходими бу ҳолатга кўзини чирт юмди. Тўғрироғи, бурч масъулиятини ўнотди, мансаб ваколатини суистеъмо қилди. Яъни 287 млн. 160 минг сўмлик товарларни ҳужжатларда расмийлаштирмади. М.Аҳмедов гараж мақсадларни кўзлаб, кириш қилинган маҳсулотлар миқдорини камайтириб кўрсатиш орқали расмий ҳужжат ҳисобланган далолатнома ва баённомаларга ҳам сохта ёзувлар киритди. Аммо унинг мўмай пулни қўлга киритиш бораसидига барча ҳаракатлари зое кетди. Қилмиши тезда фош бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди бу икки қимсага нисбатан қонуний жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. Унга кўра Ж.Калонов 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақидан 30 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қўлинган ҳолда, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш, М.Аҳмедов эса 3 йил муддатга моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга 6 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Воқеадан хулоса шуки, инсон баъзан ўйламай қўйган қадами учун бир умр пушаймон бўлади. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайлик.

Пул сотиб, пул топарлар

Афзалбек БЕРДИКУЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи
Ўринбосари

Ҳалоқ меҳнат, пешона тери билан пул топишдан кўра, белни оғритмай, осонгина, қинғир йўлар билан бўлса-да топиладиган мўмай даромад ҳисобига яшаш истагидаги одам борки, ноқонуний ишларга қўл уриши тайин.


Гарчи мамлакатимизда валюта айирбашлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида 2013 йилнинг 1 февралдан бошлаб ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган барча жисмоний шахсларга чет эл валютасини нақдсиз шаклда, уларнинг шахсий банк пластик картчасидаги миллий валютани чет эл валютасидаги халқаро тўлов картчасига ўтказиб бериш йўли билан сотиш механизми жорий этилган бўлишига қарамай одамлар гавжум бўладиган жойларда, бозорлар атрофида ўтган-кетганларга "Доллар бор, доллар", "Доллар, рубл оламиз" қабилида сўз қотадиган пулфурушларни учратиш мумкин.

Жасмина Позилова ҳамда Илҳом Азимовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пул топишнинг осон йўлини танаб, Яшнобод туманида жойлашган "Авиасозлар буюм бозори" ҳудудида валютафурушлик билан шуғулланишни маъқул кўришди. Бундай хатти-ҳаракат учун кун келиб жавобгарликка тортилшларини яхши англаб туришса-да, чет эл

валютасини қонунга хилоф равишда олиш-соттишдан тушаётган даромадни кўзлари қийишмади. Оқибатда қонун посбонлари томонидан қилмишлари фош этилиб, суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлишди.

2014 йилнинг 24 июнь куни бозор ҳудудида "мижоз" кутиб ўтирган Ж.Позилова ва И.Азимовлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг "ташрифи"дан саросимага тушиб қолишди. СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда қўлга олинган бу икки пулфурушнинг ёнидан номаълум шахсларга ўтказиш учун олиб келинган 7 мингдан зиёдор Россия рубли ҳамда чет эл валютасини сотиб олишга мўлжалланган 30 миллионга яқин сўм топилиб, ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Валютафурушларнинг қилмишини атрофича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баробари миқдорига жарима жазосини тайинлади.



Навбахор туманидаги "Қоровултепа" маҳалласида яшовчи фуқаро Исमत Қурбонов муқаддам автомобилда йўловчи ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиб келганиги учун жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суанининг ҳукми билан 2013 йилда энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари миқдорига жаримага тортилган эди. Аммо, у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган экан.


Ўзбошимчалик

Санжар ЯҲҲЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Навоий
шаҳар бўлими катта суриштирувчиси

Уяна қонунчилик талабларини қўпол равишда бузиб, йўловчи ташиш учун керакли рухсатнома олмастан, ўзининг автомашинасида фуқароларга пулик транспорт хизмати кўрсатаётганда Навоий вилоят ИИБ ЙҲХБ ва давлат солиқ идораси ходимлари томонидан ушдан ва тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Фуқаро И.Қурбоновнинг ушбу ҳаракатлари суд томонидан қонуний баҳо берилди. Унга кўра судланувчига иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушланган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Арра тутган келин қисмати



Ўтган йилнинг 16 июль куни Чироқчи туманининг "Қулбурун" қишлоғидаги хонадонлардан бирида кўтарилган жинжал етти маҳаллага эшитилди.

Кўни-қўшни, томоша талаблар девордан мўралар, воқеалар ривожини гоҳ табассум, гоҳ хайрат, гоҳида ҳар икки томонга ачинаши назари билан кузатишарди. Ховли ўртасида жазавога тушган жувон уй эгаларини айблаганча кўрпа-тўшак, кийим-кечакларини машинага ортарди. Шу лаҳза нимадир ёдига тушгандек, дарвоза ортида турган машина томон югурди. Хонадон соҳиблари аёлнинг ҳаракатларини жимгина кузатиб турар, гўёки бу бир бало-ю, ўзи ва нарсалари кетгач, бу балодан халос бўлади-деди, уна ҳалал бермасликка ҳаракат қилишарди. Тўсатдан аёл машинадан ўзи билан олиб келган аррани олди-да, ҳовлидаги мевали даракларни арралай бошлади. Шу чоққа-ча сукут сақлаб турганлар аёлдан даракларни кесмасликни сўрашди. Аёл эса бунга жавобан даракларни ўзи эканлигини, шунинг учун кесиб ташлашга ҳаққи борлигини айтиб, ишида давом этди.

Дараклар ҳали ёш бўлса-да, ҳосилга кирган, шохларидаги мевалар ранг ола бошлаган. Арранинг ўткир тишлари танасига ботаркан, уларнинг кўксидан отилиб чиқаётган фарёдни англаш учун киши озгина ҳис қила

олиши, меҳр-шафқатли бўлиши керак эди. Бирин-кетин ағанаётган даракларни кўриб, кимнингдир кўнглидан даракларнинг ҳам уволи бор, деган уй-хаёллар ўтган бўлса, ажаб эмас. Ҳайтовур, тўпланганлар орасидан биров чиқиб, аёлнинг кўлидан аррани тортиб олди. Бу аёлнинг уқаси эди. Жазавога тушган жувон эса ҳовлида турган болалар велосипедини олиб, дераза томон отди. Уй ойна синиқларига тўлди. Кошки эди, фақат ойна синиқлари бўлса. Шу куни кўнгли ойнаси ҳам чилларчин бўлди.

Аёл уйни тарк этаётганда унинг орқасидан сизаётган кўни биров пайқади, биров пайқамасди...

Бу аёл ким эди ўзи? У нега бунчаликка борди?

Кўни-қўшни, қишлоқдагилар бу аёлни яхши танирди. Бу аёл шу қишлоқда яшовчи Элмурза Холлиевнинг келини Дилноз Сармонова (марҳума) эди.

Дилноз Сармонова турмуш ўртоғининг уйдан ўзига тегишли нарсаларни олиш ҳақида суд қароридан сўнг шу кўннинг ўзидаёқ онаси ва уқасини олиб, бу хонадонга келди. Элмурза Холлиев маҳалла фуқаролар йиғини котибига кўнгироқ қилиб, келини нарсаларни олиб кетиш

га келганлигини айтиб, уни уйига чақирди. Бу вақтда Дилноз уйдаги ўзига тегишли нарсаларни бирин-кетин машинага орта бошлаганди. Келиннинг феълени билгани учунми, оила катталари унга қаршилик қилмай туришди. Маҳалла котиби эса навбат даракларга келганида, чидаб турулмади. Аёлдан даракларни кесмасликни сўради. Аммо Дилноз бировнинг сўзига қулоқ соладиган аҳволда эмасди. Уйнинг ойналарини синдираётганда ҳам, айюханнос солиб, уй эгаларини ҳақоратлаётганда ҳам кўзига ҳеч нарса кўринмади.

Хали айтганимиздек, Дилноз эрининг уйига онаси билан бирга келганди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Она нега қизининг бундай ҳаракатларига изн берди? Нега маҳалла-қўли олдида бу томошадан истихоло қилмади? Қизи балки алам билан шу ишларни қилаётгандир?! Она ҳар қандай вазиятда ҳам орани юмшатиши, қизига насихат қилиши ва муаммони яхшилик, босиқлик билан ҳал этиши мумкин эди-ку! Бироқ Дилнознинг онаси бундай қилмади. Томошанинг яқини фожиа билан туғатиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмади.

Маҳалла фуқаролар йиғини котиби Х.Лапасовнинг суддаги кўрсатмасига кўра, Дилноз уй эгаларини ҳақоратлаб турган бир пайтда, онаси мол-мулк илминда хона ичини кўздан кечира бошлади. Ўша ерда турган 3-4 метрлик сув шлангини олиб кетмоқчи бўлади. Шу пайтгача жим турган қайнотанинг сабр-қосаси тўлиб, ундан шлангни ташлаб кетишни сўрайди. Дилноз онаси ва қайнотасининг жанжалини эшитиб, ўша томонга югурди. Шлангни қўлига олиб,

Жамшид ХАЛИЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори
ёрдамчиси

"Буни отамнинг уйдан олиб келганман", дея қайнотасини ҳақоратлай бошлади. Элмурза Холлиев эл-юрт ва маҳалла-қўли олдида ўзини шарманда бўлгандек ҳис этади. Жаҳл билан деворга кадалган пичокни олади-да, тескари ўгирилганча шлангини тортаётган келиннинг орқасига санчади. Дилноз кўчли оғриқдан шлангни қўйиб юбориб, ташқарига югурди ва уйига жўнаб кетди.

Сукунат чўмган ҳовлида қайнотанинг ичини бир нарсаси кемириб турарди. Халитини кинояга қўл ургани ич-этини тирнарди.

Кечки пайт ҳовлига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб, келини Дилноз Сармонованинг вафот этганлигини айтишганида, Элмурза Холлиев барча айбни бўйинига олди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан Элмурза Холлиевга нисбатан 15 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш ҳазоси тайинланди.

Юқоридаги воқеада асосий айбдор ким эди? Мол-мулк можароси туфайли ёш жони увол кетган келин ёки 3-4 метр арзимас шлангни деб қотилликка қўл урган қайнотами?..

Аслида, Элмурза Холлиев кинояга қўл уришни истамасди. Фақатгина тоқати қолмагани учун "шланг" кўзига топилмас буюм бўлиб қўринди. Бироқ шунда ҳам қайнота вазминлик ва босиқлик билан муносабатда бўлиши керак эди. Ахир ҳеч нарса одам ҳаётидан азиз эмас-ку?! Оқибати эса аянчли бўлди. У келиннинг қотили деган ном орттирди.

Сир эмаски, айна вақтда компьютер қаршига ўтирган ўқувчиларнинг аксарияти қиличбозлик ёки отишмадан иборат ўйинларни ўйнаб, рақибни ер тишлаб, завқланишади. Бундай ўйинлар боладаги яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тасаввурларни айқаш-уйқаш қилиб, дилидаги меҳр ўрнига қаҳр уруғини сочиб боришини тан олмасдан илоҳимиз йўқ. Оқибатда эса айрим оилаларда нотинчлик, ўзаро можаролар, ҳатто фожиялар келиб чиқмоқда.

Эъозхон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) онасини туртиб уйғотди.

— Туринг ая, биров дадам ётган хонадан югуриб чиқиб кетди.

Эҳтимолхон опа турмуш ўртоғи ётган хона эшигини очди-ю, додлаб юборди. Ўз хонасида ухлаб ётган тўнғич ўғли Маъруфжон унинг овозидан уйғониб, майхана югуриб чиқди.

— Даданга қара, — деди онаси увос солиб.

Тўшакда дадаси қонга беланиб ётарди. Бўйини, пешонаси чопилган. Тезда қўшнлар билан отани машинага жойлаб, касалхонага йўл олишди. Махсум ака етиб бормади, йўлда жони узилди.

— Бир одам уйимиздан қочиб чиқиб кетганидан хавотирланиб, дадам ётган хонага кирсам, ҳаммаёқ қон, дадамнинг сейфи очқ, пуллар йўқ, — деди онасига Эъозхон.

Хонадонга тезда ИИБ, тезкор-тергов гуруҳи ходимлари етиб келишди. Воқеа жойини синчиқлаб кўздан кечиришди. Хонадаги сейф очқ, пуллар йўқ эди. Хонадондагилар билан бир-

Нобакор фарзанд



Ғолибжон МИРЗАЕВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим
прокурори

ма-бир сўхбатлашилди. Қотиллик тушлик пайтида содир этилганди. Эҳтимолхон опанинг сўзларига кўра, бунгача марҳум Махсум ака қўл телефонида галлашаётган ўн саккиз яшар қизи Эъозхонни "кимга илақшидинг" дея тергаб, сўйиб, юзига икки марта шалпалоқ тортиб юборган экан. Кейин хонасига кириб ётган. Туш пайти тўнғич ўғли Маъруфжон кўчадан кириб келиб, дадасини сўраган. Онаси "ухляпти" дегач, "манавини олиб қўйинг", дея ишлаб топган пулини берган ва ўзининг уйига кириб кетган.

Сўроқ жараёнида Эъозхоннинг уқаси айтган гап эйтилганда четда қолмади. "Опам дўкандан "киришки" олиб кел, деб пул берди. Мен кўчага чиқиб кетдим". Эъозхоннинг гапидан ташқари ҳовлига бегона одам кирганини тасдиқлайдиган бирон-бир из йўқ эди.

Суриштирув мобайнида ота рўзгор юмушларига қарашли ўрнига кўп вақтини интернетда ўтказган ўн саккиз яшар қизини мунтазам равишда уришиб келгани аён бўлди. Охириги танбехлар-у шалпалоқ қизининг сабр-қосасини тўлдириб, отасининг жонига қасд қилгандир, деган савол қизни довдиратиб қўйди. Гапларидан адашиб, айбига иқроқ бўлишга мажбур бўлди.

— Дадам менга кўп танбех бериб, урарди, — деди отасининг қотили Э.Сойбова. — Ўша куни ҳам сен бекорчи мен айтган ишни қиласанми, йўқми, деб урди. Ҳовлига чиқиб, ҳўрлики келиб йиғладим. Уйдагилар ухлаб ётишганди. Укамни алдаб кўчага чиқариб юбордим. Кейин болта билан дадам ётган хонага кириб, ухлаб ётган жойида бир марта бўйинига урдим. Ўрнидан қимирлаганида, яна икки марта бошига урдим. Жимиб қолган, устига тўшакни ёлдим. Ёнида сейфнинг қалити турган экан. Сейфни очиб, уни бегоналар кириб, ўлдириб, пулларни олиб чиқиб кетишган, деб ўйлашлари учун пулларни олиб орқа ҳовлига ўтдим. Уларни ҳаммомга яширдим. Қон бўлган болтани ювиб қўйдим...

Суд Э.Сойбовага 10 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш ҳазосини тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Умид ош бўлса-ю, иш бўлмаса, дейилганлар тонфасилан чиқиб қолди. Кўнгли осонгина мўмай даромад эгаси бўлишни истади. "Кўр кўрни қоронғида топибди", деганларидек, у ўзига ўхшаш дилёнатсиз кимсалар билан бирлашиб, одам савдосига қўл урди.

Аянчли сафар

Улугбек АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим АМИИБ терговчиси

Ёш қизларни топиб, улардан шахвоний мақсадларда фойдаланишни кўзлади. Бу йўлда унга Таиланд давлатида бир неча йиллардан буён ишлаб юрган онаси Нодира ва ҳоласи Рисолатлар кўмакчи бўлишди. Тез орада Умид Таиландга — онасининг ёнига етиб борди.

— Ўзбекистондан қизлар келаяпти. Аэропортга бориб, уларни кўтиб ол, — буюрди кўнларнинг бирида онаси. Умид Бангкок аэропортига бориб, бухоролик Оксана исмли қизни, бир ой ўтгач эса, унинг сингиси Иринани кўтиб олди. Улар опа-сингиларни танфурушликка мажбурлашди.

Кейинчалик сирдарёлик Дилдорани ҳам алдов йўли билан Таиландга олиб боришди. "Сени бу ерга олиб келишимиз учун 10 минг доллар сарфлаганмиз", деб уни ҳам бухоролик опа-сингиларнинг ёнига жойлаштиришди ва фохишалик билан шуғулланишга мажбур қилишди. Не-не орзу-хаёллар оғушида келган Дилдорига бу гаплар кучли зарба бўлди. Аввалига уларга бўйсунмади-ю, ҳақорат-у дўппослашлардан сўнг шароитга кўниқшига мажбур бўлди. Ахир фуқаролик паспортини олди кўйибган бўлса... Ҳеч қайсига кетолмай шундай шароитда бир йилга яқин "ишлади". Ҳар ойда онасига 100-200 АҚШ доллардан пул юбориб турди. Ва ниҳоят, Рисолатнинг ишончига кириб, ундан паспортини олди. Вазиятдан фойдаланиб, онасига телефон қилди ва алдов қурбони бўлганигини айтиди. Бангкок шаҳрида жойлашган Ўзбекистон элчихонасига бориб, онасини Нодира ва Рисолатлар устидан арз қилди. Дилдоранинг енгил иш қидириши оқибати аянчли ҳис топиди. Бир умрга соғлиғидан айрилиб, юқумли касалликка мубтало бўлди.


Айбдорлар эса қилмишларига яраша жазосини олишди.



Халқаро ҳамкорлик самараси

Глобал интеграциялашув жараёнида "хуфиёна иқтисодиёт", "трансмиллий уюшган жиноятчилик", "терроризмни молиялаштириш" ва "жиноий даромадларни легаллаштириш" каби сиёсий-иқтисодий тушунчалар жаҳон майдонига чиқиб келмоқда.

Амалиётда бу тушунчаларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини англаб, салбий таъсирларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир мамлакатдан пухта уйланган кучли иқтисодий сиёсат юритиш талаб қилинади.



Давлатимиз Президентини раҳбарлигида мамлакатимиз молия тизими, шу жумладан, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ҳамда тақомиллаштириш, шунингдек, янги хавф ва таҳдидларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кенг қамламли чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, бу борадаги жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини янада ошириш мақсадида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, уни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик ва маълумотлар алмашинуви юзасидан келишув ва меморандумлар тузилган. Жумладан, 2014 йилнинг июнь ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий гуруҳи (матнда Евроосий гуруҳининг 21-Ялпи мажлиси доирасида Ҳиндистон Республикаси молиявий разведка бўлинмаси билан молиявий ахборотлар алмашиш юзасидан Меморандум имзоланди).

Шунингдек, 2014 йилнинг 25-29 август кунлари департамент раҳбарияти ва ходимларидан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлиги Гиёхвандликка қарши курашиш бошқармасига расмий ташриф буюрди. Ташриф давомида АҚШ Молия вазирлиги Хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси (OFAC), АҚШ Молия вазирлиги Молиявий жиноятчиликка қарши курашиш тармоғи (FinCEN) ҳамда капиталлашув кўрсаткичи бўйича жаҳондаги биринчи бешталикка кирувчи "HSBC" банки каби нуфузли ташкилотларда тегишли тармоқ раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиб, соҳа юза-

сидан ўзаро тажриба алмашилди ҳамда ташриф якунида департамент ва АҚШ Адлия вазирлиги Гиёхвандликка қарши курашиш бошқармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Ушбу Меморандумни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида 2014 йилнинг 14-21 сентябрь кунлари департаментнинг икки нафар ходими АҚШ Адлия вазирлиги Гиёхвандликка қарши курашиш бошқармасининг Атланта ҳудудий тезкор бўлинмасида амалиёт ўтаб, малака ошириб қайтди.

Департамент ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида фаолият кўрсатиб келаётган нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлари делегациялари ўртасида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида 10 дан ортқ учрашувлар ташкил этилди ва тажриба алмашилди. Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар Координатори, АҚШ Адлия вазирлиги Гиёхвандликка қарши курашиш бошқармаси ҳудудий вакиллари, Вьетнам Социалистик Республикасининг Олий халқ прокуратураси делегацияси, Польша Республикаси Бош прокуровори ўринбосари бошчилигидаги делегация, "Western Union Financial Services GmbH" компанияси ва бошқа хорижий давлатлар делегациялари билан учрашувлар ўтказилиб, маълумот ва тажриба алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 январдаги "Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий гуруҳи тўғрисидаги битимини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида"ги 16-сонли Карорига асосан, департамент Евроосий гуруҳи ялпи мажлисларида ва ушбу гуруҳ доирасида ўтказиладиган бошқа тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Евроосий гуруҳининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги 120 дан ортқ мурожаатлари, сўровномалари ва лойиҳалари департамент томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, улар бўйича тегишли фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида департамент вакиллари жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда Молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)нинг 3 та, Евроосий гуруҳининг 2 та ҳамда Молиявий разведка бўлинмаларининг "Эгмонт" гуруҳининг 1 мартаба ялпи мажлисларида иштирок этишган.

Шу билан бир қаторда, ўтган 2014 йилда департамент ходимлари Австрия, Эрон, Россия ва Қирғизистон давлатларида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш доирасида турли мавзуларда ўтказилган халқаро семинарларда иштирок этиб, тажриба алмашишди ва малака оширишди.

Департаментнинг 2 нафар ходими жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида экспорт-бахоловчи сифатида Москва (Россия) ва Дехли (Ҳиндистон) шаҳарларида ўтказилган махсус ўқув курсларида малака оширди.

2014 йилнинг 22-23 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида департамент томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори билан ҳамкорликда "Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги хатарларни миллий баҳолаш" мавзусида халқаро семинар ташкил этилди. Бу семинарда Италия, Россия, Сербия, Бельгия, Қозғоғистон давлатлари ҳамда Евроосий гуруҳининг халқаро экспертлари, шунингдек, республикамизнинг мазкур соҳада фаолият кўрсатувчи тегишли вазирлик ва идораларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг молиявий мониторинг бўйича Федерал хизмати ва Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-методик маркази ўртасида имзоланган "Видеоконференц-алоқа ягона маълумот ҳудуди тизимини янада ривожлантириш ҳақида"ги битимига асосан, департамент биносида 2013 йилнинг июнь ойидан ишга туширилган видеоконференц-алоқа тизимидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида мазкур тизим орқали Евроосий гуруҳига аъзо давлатлар билан ўтказилган 20 дан ортқ музокара, семинар ва мулоқотларда Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари, жумладан, Бош прокуратура, МХХ,

Марказий банк, Адлия вазирлиги, ИИБ, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Божхона қўмитасининг жами 156 нафар ходими иштироки таъминланиб, улар орасида махсус курсни ўтаган 27 нафар ходимга малака оширилганлиги тўғрисида сертификатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 майдаги фармойиши билан Молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)нинг янги тавсияларини ўрганиш ва миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича Идоралараро комиссия тузилган бўлиб, ушбу комиссия Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланиб, Ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида кўриб чиқилмоқда. Хусусан, молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)нинг янги тавсияларидан келиб чиқиб, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, жумладан, ризлортект ташкилотлари, биржа аъзолари, нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари ҳамда қимматбахо металл ва қимматбахо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига тегишли ўзгаришлар киритилди ҳамда Адлия вазирлигида рўйхатга олинди.

Шунингдек, департамент томонидан ҳар чоракда мазкур Идоралараро комиссия аъзолари ўртасида йилгилаш ўтказилмоқда ва унинг фаолияти мувофиқлаштириб келинмоқда.

Евроосий гуруҳининг халқаро экспертлари томонидан гуруҳга аъзо-давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги 3-хисобот 2014 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Евроосий гуруҳининг 21-Ялпи мажлисида ўқиб эшиттирилди ва муҳокама жараёнида ФАТФ, ФАТФ типидagi Осие-Тинч океани гуруҳи, АҚШ ва Россия Федерациясининг халқаро экспертлари томонидан ушбу соҳада қилинган ишлар ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ижобий ишлари ушбу йўналишдаги халқаро рейтинг, индекс ва кўрсаткичларда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан, Базель бошқарув институти томонидан 2014

Содиқжон АЧИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаменти
бошлиғи ўринбосари

йил учун ишлаб чиқилган "Basel AML Index" рейтингидан Ўзбекистон Республикаси жаҳон мамлакатлари орасида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатари камроқ бўлган давлат деб топилди ҳамда Италия, Испания, АҚШ ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатлар билан бир қаторда эътироф этилди.

Маълумот учун: Базель бошқарув институти мустақил, нотижорат, тахлилий ҳамда давлат органлари ва бизнесдаги коррупцияга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ва талон-торож қилинган (ўғирланган) мол-мулкларни қидириш усулларини ўрганишга ихтисослашган марказ ҳисобланади.

Мазкур рейтинг халқаро молиявий ташкилотлар, рейтинг агентликлари, йирк инвестицион ва халқаро корпорациялар, сибсатчилар, ЖДЛ/ТМга қарши курашиш соҳасини тартибга солиувчилар, молиявий разведка бўлинмалари, шунингдек, ушбу йўналишда иштирок этувчи бошқа халқаро ташкилотлар томонидан бир давлатнинг ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизимига, шу жумладан, молиявий тизимнинг барқарорлигига бериладиган фикр ва хулосалар учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий гуруҳининг 21-Ялпи мажлиси давомида Евроосий гуруҳининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференцияда ташкилот фаолияти муҳокама қилиниб, эришилган ютуқлар иштирокчилар томонидан ижобий баҳоланди.

Шу муносабат билан Евроосий гуруҳининг фаолиятига ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизими ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган республикамизнинг бир қатор вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, шунингдек, департамент ходимлари "Евроосий гуруҳининг 10 йиллиги" медали билан тақдирландилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги соҳаларда ижобий натижаларга эришилганлиги давлатимиз Президентини раҳбарлигида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида жиддий қадамлар ташланаётганлигидан ва Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тин олинаётганлигидан далолат беради.

Давлатимизга берилган баҳолар молиявий тизимимизга бўлган ишонч, жумладан, банк секторига, шунингдек, иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти ва муҳитига, мамлакатимизга киритилаётган капитал қўйилмаларининг ўсиш суръатига ва биробарин, аҳолининг фаровон турмуш кечирилганлигидан далолат беради, муболага бўлмайди.



Оқ «Спарк» изидан

Дилшод Муродалиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) йигирма ёшга тўлибди ҳамки, ҳеч бир фойдали иш билан шугулланмайди. Табиийки, бирор ерда ишламаган ёки хунар ўрганмаган одамнинг иши юришмайди, ҳаётда мазмун бўлмайди. Яна донолар лебдиларки, илми ва хунари бўлмаган кишини доимо муҳтожлик таъқиб этиб туради.

Дилшод ўша куни бирор "ўлжа" топиш мақсадида кўчага чиқди. Айланиб юриб, Андижон шаҳридаги "Холлис" савдо мажмуида келиб қолганини билмай қолди. Бундоқ қараса, рўпарасидаги пайнет шохобасида таниши Идрисбек ўтирибди. Дилшодбек бир шум режани тузди-да, Идриснинг ёнига борди.

— Ошна, бир танишимга кўнғироқ қилиб олай, телефонингни бериб тур, — деди у.

— Таксофоним ишламаяпти, — деди ошнани.

— Қизикмисан, ўзингникини бериб туравер, еб қўймайман, — деди Дилшод.

У ҳақиқатан ҳам оғайнисининг телефонини еб қўйгани йўқ. Фақат кимгадир кўнғироқ қилгандек кўрсатиб, қиймати бир млн. сўмдан зиёд бўлган уяли алоқа аппаратини шимининг чўнтағига солиб қўйди. "Ақлингга офарин, ота ўғил", ўйлади у ва дуч келган йўловчи машинага ўтириб, уйи томонга кетди. Кела солиб, бир танишини топи ва унга боғина алдов йўли билан кўлга киритгани — уяли алоқа аппаратини кўз-кўз қила бошлади.

— Истасанг, сотаман, — деди у танишига.

— Қанча?

— Арзон. Юз доллар берасан, қолганига йигирмата "Билайн" сим-картаси қўшасан.

— Намунча қиммат? — эътироз билдирди таниши.

— Кўрмаясанми, бу хали ҳеч қанча ишлатилмаган телефон, — бўш келмади Дилшод.

— Барибир қиммат-да.

Хуллас, иккисининг савдоси пишмади, шундоқ бўлса ҳам, танишидан 50 АҚШ доллари олган Дилшод ҳозирча шунинг унганига ҳам шукур, деди шекилли, жиноят йўли билан топишганини билиб-қўриб турса ҳам, уни келгусида бошқа харидор топиб сотиш ҳақида таниши билан олдиндан тил бириктириб, аппаратни қолдириб кетди.

Бу билан қаноатланмаган Дилшод эртаси куни яна боғия танишининг олдида келди ва ундан телефонни олди.

— Қолганини кейин берардим, — деди таниши.

Аммо Дилшод бу гапни эътиборга олмади. Орадан уч кун ўтиб, Дилшод телефонни бошқа бир таниши — Камолдинга 200 АҚШ дол-

лари ва 50 минг сўмга сотишга келиши. Телефоннинг баҳоси аслида бир млн. йигирма саккиз минг олти сўм бўлса-да, уни арзон-гаров пуллаб, воқеа жойини тарк этди.

Кўли пул кўрган Дилшод энди ундан ҳам кўпрогини хоҳлаб қолди. Шу ниятда яна бир оғайниси Исроилга сим қоқиб, қуришшлар кераклигини, зарур гапи борлигини айтди.

— Яхши, ҳалироқ холамнинг уйда учрашамиз, — деди Исроил.

Ўша куни кечки пайт айтилган манзилда учрашилди.

— Исроил, машина мишини хоҳлайсанми? — деди тўсатдан Дилшод. Оғайниси бу гапни эшитмади ёки эшитса ҳам Дилшоднинг ичкилик таъсиридаги хаёлий гапи деб ўйлади. Бундай ўйлашнинг босиси, у Дилшоднинг машинаси йўқлигини жуда яхши биларди.

— Сендан сўраяпман? — деди Дилшод.

— Қанақа машина?

— Хоҳлаганинг. Масалан, "Ласетти"ми, "Мерседес"ми...

Исроил унинг энди ичкилик таъсирида гапирётганлигини билди ва индамай кўя қолди. Хонада ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини билса ҳам атрофга олазарак қараб олган Дилшод унга қалбидаги муҳиж режасини айтди. Иккиси атрофда тун пардаси куюқлашган бир пайтда режани амалга ошириш учун йўлга чиқдилар.

Катта кўчада машиналар қарвони борар, алламаҳал бўлганига қарамай, қатнов сусаймаган эди. Ниҳоят Дилшод ўзи томон келаётган оппоқ "Спарк" автомашинасига кўл кўтарди.

— Ака, бизни Охунов кўчасига неча сўмга ташлаб кўясиз? — сўради Дилшод.

— Кўнгилдан чиқариб бераверасизлар, — деди ҳайдовчи.

Икки оғайни машинага ўтиришди ва ҳайдовчини чалғитиб, одам сийрак бўлган боши берк кўчасига олиб боришди.

— Ака, тўхтаган, шу ерда қолаверамиз, — деди Дилшод.

Машина тўхтади. Инсонийлик қиёфасини йўқотган икки ўсмир режасини амалга оширишга киришди.

— Чўнтагимдан пулни олиб бер, — деди Дилшод Исроилга ўғрилиб.

Шу орада Дилшод хаёли

Нодирбек БАБАЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

чалгиган ҳайдовчига зарба берди ва ҳайдовчи машинани юргизиб юбормаслиги учун кўл тормози ричагини тортиб қўйди. Исроил эса ҳайдовчининг бошидан ушлаб турди. Ҳайдовчи ташқарига йиқилгач Исроил машинадан тушиб, унинг юзига бир неча бор тепди. Икки талончи ҳайдовчи жон таслим қилганига ишонч ҳосил қилишгач, автомашинада воқеа жойидан яширишди.

Эртасига Исроилнинг холсиниқига ётган Низомиддин исми таниши билан Жалакудук туманига йўл олишди. Низомиддинни ўша ерда қолдириб, ўзлари ортга қайтишди. Ниҳоят Андижон тумани ҳудудида автомашинага тўхташ ишораси билдирилди. Аммо рулни бошқариб бораётган Дилшод назорининг оғоҳлантиришига қарамай, тезликни камайтирмади. Оқибатда қарама-қарши йўналишдаги бошқа автомашина билан тўқнашув содир этди. Бунга парво қилмаган босқинчи йўлда давом этаверди. Аммо шикастланган машинада ҳаракатланishi тобора қийинлашиб борарди. Боз устига унинг қаршисидан назирлар гуруҳи тўсиб чиқди. Дилшод билан шеринининг машинадан тушиб қочшдан бошқа чоралари қолмади. Ниҳоят босқинчилар кўлга олинди.

Ўзгаларнинг жони ва мулкига қасд қилган йиғитчалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра тегишли жазосини олишди. Бироқ гап бунда эмас. Тергов давомида Дилшоднинг отаси унга бирор ерда ишламай бекор юрганлиги учун танбех бергач, отаси билан тортишиб уйдан чиқиб кетгани, ошналариининг уйларида яшаб юрганлиги аниқланди. Бир неча кун ўтса-да, ота ўглининг қаердалиги билан қизиқмайди. Балки ота бунчалик лоқайд бўлмаганида, ўғли ва ҳамтовоғи бугун бош эгиб қолишмасмиди? Шундай лаҳзаларда Абдулла Авлонийнинг тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё фалокат масаласидир, деган пурмаъно ҳикмати ёдга тушади.

Шу ўринда ота-оналарни жондан азиз фарзандларининг тақдирига бефарқ бўлмасликка, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмасликка чакирардик. Зеро, болаларимизнинг нафақат моддий таъминоти, балки маънавий-руҳий тарбиясига ҳам масъуллигимизни бир он бўлсин, унуттишга ҳаққимиз йўқ!

Дилрабо Ниёзовага нисбатан қўзғатилган жиноят иши 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 декабрдаги амнистия тўғрисидаги фармонида асосан ҳаракатдан тугатилган эди. Бироқ, шундан кейин ҳам ҳар икки йилда жиноят кўчасига "адашиб" кириб қолаверган Дилрабо энди ҳеч нарсадан уялмайди катта фирибгарга айланиб улгурди.

Фирибгарнинг «савдо»сига нуқта қўйилди

Эркин ШОМУРОДОВ,
Бухоро шаҳар прокурори вазифасини бажарувчи

Бир даврада Дилрабо билан ҳамсуҳбат бўлиб қолган Малика уддабурон, гапга чечан бу аёлга қўйил қолди. Ич-ичидан ўзини бўшангликка айблади.

— Банк дейсизми, ички ишлар идораларига ишга киритишми, ҳаммаси қўлимдан келади, — мактанди Дилрабо қош-қўзларини пирпиратиб.

— Бунча яхши. Опа, мен банкка ишга кирмоқчи эдим...

— Бўпти, "есть" қиламиз. Телефон рақамини ёзиб қўйинг. Учрашиб, бафуружа гаплашамиз.

Малика Бақоева ўзини эртанин ишга кирадигандек ҳис қилиб, ширин хаёлларга чўмди.

2013 йилнинг 22 октябрида Дилрабо Ниёзова билан учрашишга келишган Малика Бақоева ўзи билан "нажоткор"и сўраган 400 АҚШ долларини ҳам олиб келган эди. Банкдаги раҳбар танишлари албатта ишни тез кунларда битириб бериши ҳақидаги ваъдалардан қувониб турган М.Бақоеванинг эсига бирдан жиёни Тоҳир ҳам ички ишлар идораларида ишлашни орзу қилиб юрганлиги тушди. Шу сабабли Д.Ниёзовага юзланди.

— Опа, бир жияним форма кийиб, элга хизмат қилсам, дейди.

— Бунинг ҳеч ҳам қийин жойи йўқ. Фақатгина "ака"ларга хизмат ҳақини олдиндан бериш керак. Йўқса...

— Тушунаман, опагон. Қанча билан иш битиди?

— "Кўк"ида 2 минг.

Малика Бақоева бу "таклиф"га ҳам кўнди. Айтилган 2 000 АҚШ долларини Д.Ниёзовага келтириб бериб, ишончли бўлиши учун ундан тилхат ҳам ёздириб олди. Ишни битирган қорчалон опа энди қорасини ҳам кўрсатмаслигини М.Бақоева вақт ўтгани сайин чуқурроқ англаб бошлади. Бироқ у алданиб бўлган эди.

Шу тарихка "чув" тушиб қолганлардан яна бири Умиджон Саммадовдир. Қўшниси Насиба Рамазонова орқали танишганида Дилрабо Ниёзовани бир неча фирма эгаси, автосалонда ҳам ишончли одамлари бор, ишбилармон аёл деб ўйлаганди. Аслида шайтонни ҳам доғда қолдираётган Дилрабо "Дамас" автомашинаси олиб беришни ваъда қилиб, 11 000 АҚШ долларини кўлга киритгач, унинг кўрсатган "каромат"лари У.Саммадовни хушёр торттирди. Мусофир юртларда, оғир шaroитларда ишлаб топган пулни қўшқўллаб берганига пушаймон қилди. Фирибгарнинг: "Ана машина келаяпти

экан", "Мана, 15 кунда "Дамас"-ни салондан ҳайдаб чиқасиз", деган луқмаларига ишониб юраверди.

2013 йилнинг декабрь ойи. Поччаси Қудрат Файзиёвага тегишли чойхонага тушлик қилиш мақсадида келган Муҳаммадали Сувонов ҳам Дилрабо Ниёзованинг "қармоғи"га илинглардан ҳисобланади.

— Ишларинг нима бўлди? — сўради почча.

— Диктант ва спорт синовларидан яхши ўтдим. Аммо тест саволларига етарли жавоб беролмадим, — афсусланди Муҳаммадали.

— Келгуси йил яхши тайёргарлик кўрсанг, албатта ўтасан, — тасалли берди почча.

— Нималар деяпсиз? Агар таниш-билиш бўлмаса... бу иш битмайди, — икковлон суҳбатларига қўшилган аёлга ҳайрон бўлиб қарашди. — Мен, мен... ҳалиги ички ишларда ишлайдиган бир кишининг иккинчи хотиниман. Ишга жойлаштиришга ёрдам беришим мумкин. Бу иш бироз харахатсиз бўлмайди.

— Қанча экан, ўша харахат?

— Нера, асабийлашасиз, укагон. Хоҳласангиз аралашаман.

Азбаройи орзулари армон бўлишини истамаган Муҳаммадали кўнглида рози бўлса-да, отасидан маслаҳат сўраши лозимлигини айтди. Телефон рақамларини алмашишди.

2014 йил 8 январь куни чойхонада 2000 АҚШ долларини қўли билан санаб бераётган Муҳаммадали ҳам, унинг қариндошлари ҳам фалончининг иккинчи хотиниман деб мактаган аёлнинг маънавияти, кимлиги, қаерда ишлаши ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиб суриштириб ҳам кўришмагани ачинарли.

Узоқ югур-югурлар, сарсонсаргардонлик, асаб бузилишларга жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2014 йил 26 декабрдаги ҳукми нуқта қўйди.

Судланувчи Д.Ниёзова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилди. Унга нисбатан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2014 йил 18 июндаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиб, қатъий ўташ учун 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.



Нигерия президентлигига ўтказилиши керак бўлган навбатдаги сайлов 14 февралга белгиланган эди. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, мазкур сайлов олти ҳафта кейинга сурилиб, 28 март кuni ўтказилмайдиган бўлди.

Сайлов кuni ўзгарди

Сайлов санасини кўчириш ҳақидаги қарор хавфсизлик нуқтаи назаридан қабул қилинган. Сабаби ҳозирда мамлакатнинг шимоли-шарқда "Боко Харам" террорчилик гурӯҳи жангариларига қарши операция ўтказилмоқда.



Террорчиларга қарши курашда Бенин, Камерун, Нигер, Нигерия ва Чад давлатларининг умумий ҳисобда 8700 нафар аскарлари иштирок этмоқда.

Ажал уруғининг йўли тўсилди



Маълумотларга кўра, Қирғизистонда ўтган ҳафтада Миллий хавфсизлик хизмати ва давлат гиёҳванликка қарши кураш хизмати ҳамкорлигида ўтказилган тадбир давомида Тожикистондан Қирғизистон ҳудуди орқали Европага гиёҳвана моддалар олиб ўтишга

ҳаракат қилган жинорий гуруҳ аъзолари қўлга олинган. Улардан 50 кг. миқдордаги гиёҳванлик моддаси олиб қўйилган.

Хабар қилишларича, ушбу гуруҳга айрим мансабдор шахсларнинг яқинлари ҳам алоқадор бўлганлиги маълум бўлди. Шунингдек, мазкур тадбир давомида Чуй вилоятида яшовчи 33 ёшли шахс уйда уқотар қуроллар ва 15 кг. тақиқланган модда сақлаётгани учун ҳибсга олинган. Айни пайтда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Майкл Жексон ҳақида китоб

2011 йилда вафот этган афсонавий Майкл Жексоннинг собиқ менежери Фрэнк Дилео ўз китобда қўшиқчига мафия суиқасд уюштириши режалаштиргани ҳақида ёзган, деб хабар бермоқда чет эл нашрлари.

Тез кунларда менежернинг "Дилео: мен ҳозирок ёзишни бошламоқчиман" деб номланган китоби сотувга чиқарилади. Ф.Дилео бу биографик асарини поп мусиқа қиролининг шахсий мактублари, аудио ва видео ёзувларига асосланиб ёзганини таъкидлаган.

Китобда келтирилишича, 1980 йилларда мафия М.Жексонни ўлдириш учун бюртма беришни режалаштирган, бироқ бу масала кимларнингдир аралашуви билан ҳал қилинган ҳақида айтиб ўтилган.

Шунингдек, поп мусиқа қироли менежерига ўзаро сўхбатлар чоғида ўзида кўплаб пластик операцияларни нима учун ўтказганини айтиб берган экан.

Унинг таъкидлашича, Майкл отасига жуда ўхшаш бўлган боис, ойнага қараганда, ўзининг қиёфасида отасининг аксини кўришни истамаган эмиш. Шу сабабли ҳам у бундай хатарли операцияларни ўтказган экан.

Шунингдек, китобда М.Жексондан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган мусиқа соҳасидаги мансабдор одамларнинг исми ҳам ошкор қилинган.



Банкнинг махфий ҳисоб рақамлари

Тафтишчи журналистлар Халқаро консорсиуми (ICIJ) "HSBC" банкнинг Женевадаги бўлими фаолияти бўйича ўтказилган текширувлар натижаларини ўз сайтида чоп этди.

Тафтиш натижаларига кўра, банк наркосавдогарлар ва қурол-фурушларга махфий ҳисоб рақамлар тақдим қилгани маълум бўлган. Шунингдек, "HSBC"нинг кўпгина мижозлари солиқларни тўлашдан бош тортиш мақсадида банк хизматларидан фойдаланиб келган экан.

Бу махфий ҳисоб рақамларда жами 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сақлангани аниқланди. Мазкур ҳисоб рақамларда венесуэлаликлар энг кўп миқдорда (12,6 млрд. АҚШ доллари) пул сақлаганликлари маълум бўлди.

Мазкур жиноятларнинг ошкор бўлишида банкнинг собиқ ходими Эрве Фальчианининг хизматлари катта бўлди. Таъкидлашларича, 2008 йилда банкдан бўшатиб юборилган Э.Фальчиани муҳим маълумотлар сақлаган 5 та махфий дискни ўзи билан олиб чиқиб кетган. Ва уларни Франция Молия вазир Кристин Лагарда берган. Вазир бу маълумотларни бир неча давлат ҳукуматларига ўрганиб чиқиш учун топширган.



Акула қурбони бўлди

Австралиянинг Брисбен шаҳридан 187 километр жанубга жойлашган Баллин шаҳри яқинидаги "Шелли" пляжида дам олаётган япониялик ёш йигит акула ҳужумига учраб, ҳалок бўлди.

"Тахминларимизга кўра, бу йигитнинг оёғини акула тишлаб узиб олган ва у ҳалок бўлган", дейди маҳаллий полиция инспектори Кэмерон Линдсэй.

Яқин орада бўлган қўтқарувчилар йигитни сувдан олиб чиқиб, унга биринчи ёрдам кўрсатишган, бироқ бу фойда бермаган.

Воқеа содир бўлишидан бир кун олдин Баллин яқинида ҳам худди шу каби 35 ёшли қўтқарувчига акула ҳужум қилиб, уни жароҳатлаган эди. Шу сабабли, мазкур ҳудуддаги пляж ёпиб қўйилди.



Тўловлар йн беш баробар ошди

Шу ойнинг бошидан Туркманистон аҳолиси учун коммунал соҳадаги тўловлар миқдори кескин равишда, яъни 15 баробар оширилган. Бу ҳақда "Туркманистон янгиликлари" нашри хабар бермоқда.

Хабарда айтилишича, бу ўзгаришдан кейин аҳолидан шикоят ва эътироз хатлари кўпайган. Нашрда келтирилишича, Ашхобод аҳолиси тўловлар ошмасдан олдин коммунал тўловлар учун 9 манат (3,15 доллар) тўлаган бўлсалар, 1 февралдан бу сума 133 манатгача (38 доллар) ўсган.

Хабарда ҳукумат тўловларни нима учун оширилганлигига изоҳ берилмаган.

9 кун ишлаган телеканал

Баҳрайн ҳукумати саудиялик шахзолардан бири Ал-Валид ибн Талала томонидан очилган "Alarab" телеканалнинг ёпилиши ҳақида маълум қилди.

"Alarab" каналининг ёпилиши ҳақидаги қарорга бу каналнинг тегишли руҳсатнома олмагани сабаб бўлди, дейилади Баҳрайннинг эълон қилган расмий хабарига.

Ушбу телеканал шу йилнинг 1 февраль кuni катта тантаналар билан очилган, ammo ўша кuni бир неча соатлик чиқишлардан кейин фаолияти вақтинча тўхтатилган эди.



Болгарияда сайёҳлар учун енгиллик

Россия, Украина, Қозғоғистон, Беларусь, Арманистон ва Грузия давлатлари фуқаролари учун Болгарияга виза режими енгиллаштирилмоқда, дея хабар берди "Болгария ҳақиқати" портали.



Маълум қилинишича, тегишли қарор Болгариянинг Туризм бўйича ва Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган.

Қарор бўйича киритилаётган янги ўзгаришлар "ташқиллаштирилган сайёҳлик" мақсадида қисқа мuddатдаги икки марталик ёки кўп марталик визаларни тақдим қилишни назарда тутди.

Порталнинг маълумотларига кўра, Болгария шу тарихда МДХ давлатларидан кўпроқ сайёҳларни жалб қилмоқчи.

Олтин топган чўпон



Қозоқ миллатига мансуб бўлган хитойлик чўпон Берек Совут оғирлиги 7,85 кг. бўлган, нархи 255 минг АҚШ долларига баҳолаган соф олтин бўлагини топиб олади, дея хабар бермоқда "Синьхуа" ахборот агентлиги.

Бу воқеа Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухториятида содир бўлган. Хабар берилишича, бу чўпон олтин бўлагини очик ерда ётган ҳолида топган.

Мазкур топилманинг софлиги 80 фоизни ташкил қилиб, олтиннинг ҳозирдаги нархи 1,6 млн. Хитой юанини ташкил қилди. Ёмбининг узунлиги 23 сантиметр экани айтилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«ҚАДРИЯТ»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда

90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ☑ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ☑ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ☑ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ☑ миқдори чекланмаган.

“Асака” банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган

“EFFECT REAL GROUP” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик “аукцион” савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли “Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни тасдиқлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига ҳамда Фарғона вилоят “Матлуботсавдо” АТ уюштириш комиссиясининг

2015 йил 9 февралдаги 7-сонли хатига асосан Фарғона вилоят “Матлуботсавдо” акциядорлик компаниясининг қуйида келтирилган жамиятдаги улушлари тақдоран қўйилади.

1. Ёсёнов туман “Матлуботсавдо” МЧЖдаги 25,0 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 15 199 354 сўм.

2. Учқўприк туман давлат таъминоти корхонасидаги 100 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 847 200 сўм.

3. Бойлод туман “Тайёрловсавдо” МЧЖдаги 24,99 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 24 545 240 сўм.

Аукцион савдолари 2015 йил 26 февраль кунини соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдога қатнашиш учун аризалар 2015 йил 25 февраль кунини соат 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган “объект”ларнинг ҳужжатлари билан “Савдо ташкилотчиси” томонидан бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабгорлар “Савдо таш-

килотчиси” билан тузиладиган закалат келишувига асосан, улуш бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пулини тўлов ҳужжатига улушнинг ном кўрсатилган ҳолда “Савдо ташкилотчиси” “EFFECT REAL GROUP” МЧЖнинг рекевизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, “Савдогарбанк” Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фароғий кўчаси 43-уй.

Тел: +99895 404-54-84. Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

“EFFECT REAL GROUP” масъулияти чекланган жамияти барча тadbиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тadbиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 2015 йил 26 январдаги 14-ф-сонли фармойишига асосан тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда.

Фарғона шаҳар, Фалиблар кўчасида жойлашган вилоят ИИБ ЙХХБ худудидagi автомобилларни назорат қилиш биноси ён томонидagi шаҳар захирасида бўлган бўш ер майдонига компьютер хизматини кўрсатиш биноси куриш учун 18,0 кв.м.дан иборат ер участкаси. Ер участкасидан фойдаланишнинг минимал қиймати 15390,18 сўм.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва курилиш бошқармаси то-

монидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади.

Талабгорлардан бюуртманомаларни қабул қилиш билдиришномаси матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 16 март кунини соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 17 март кунини соат 16:00да очилади ва 2015 йил 18 март кунини соат 10:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар жамму эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Савдогарбанк” Фарғона

вилоят бўлимидаги МФО:00500, СТИР: 302128329, 202080000704943278001 х/р.га тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар бюуртманомаси билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусxada тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тadbиркор сифатдаги фаолият юрифтаган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ва-

колатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги нитасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадagi танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг мазили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фароғий кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84. Веб-сайт: www.effect.uz. Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

“Respublika mulk markazi” АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Тошкент шаҳар прокуратурасининг 02.02.2015 йилдаги 15-сонли бюуртма хатига асосан, Тошкент шаҳар Чилонзор-6 уй манзилида сақланаётган “Эпика” русумли, д/р 01/701BAА бўлган, 2009 йилда и/ч. автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 25 510 594 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 16 март кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача

қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 13 март кунини соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидagi тўлов ҳужжатининг нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат кели-

шувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “RMM” АЖнинг ОАИКБ “Ипак йўли банки” Савбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақашми кўчаси, 1-А уй. 228-79-52.

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармасининг 2014 йил 25 августдаги 129и/ч-сонли буйруғига асосан “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг савдоларига чиқарилиб, 2015 йил 3 февралда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизгалдоқ ҚФЙ худудига жойлашган, умумий ер майдони 0,01034 га., қурилиш ости майдони 237,3 кв.м. чойхона биноси, бошланғич баҳоси — 196 078 945 сўм, сотилиш баҳоси — 241 100 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган



Табаррук ёшда

Прокуратура фахрийси Асатулла Ҳақимов табаррук 80 ёшни қарши олмақда.

нийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Асатулла Ҳақимов иш фаолияти мобайнида туман ва шаҳар прокурорларнинг ёрдамчиси, туман прокуратурасида терговчи, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Қўқон шаҳар судьяси, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим катта прокурори лавозимларида самарали хизмат

қилиб, шарафли меҳнат йулини босиб ўтди.

Меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, адолатпарварлиги ва ташаббускорлиги туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, самимиёлиги ва хизмат бурчиға содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиға сазовор бўлди.

Асатулла Ҳақимовнинг узок

йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Асатулла Абитович, таваллуд айёмингиз кутлуг бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу бароқа тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

У 38 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида қону-



U-20 WORLD CUP
NEW ZEALAND 2015

ЖЧ(U20): Ўзбекистон Германия билан ўйнайди

Жорий йилнинг май-июнь ойларида Янги Зеландия давлатида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Мазкур мундиалда Равшан Ҳайдаров мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам қатнашади.

10 февраль куни Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижаларига қўра Ўзбекистонлик ёшлар Германиядек номдор жамоа билан бир гуруҳдан ўрин эгаллади.

Эслатиб ўтамиз, айтини дамга келиб жаҳон чемпионатида иштирок этадиган 24 жамоадан 20 тасининг номи маълум бўлган. Ҳозирча кичик мундиалда иштирок этадиган Африка қитъаси жамоалари номаълум. Сабаби ёшлар ўртасидаги мазкур қитъа чемпионати 8-22 март кунлари ўтказилади.

пионатида иштирок этадиган 24 жамоадан 20 тасининг номи маълум бўлган. Ҳозирча кичик мундиалда иштирок этадиган Африка қитъаси жамоалари номаълум. Сабаби ёшлар ўртасидаги мазкур қитъа чемпионати 8-22 март кунлари ўтказилади.

Куйида барча гуруҳлар билан танишишнинг мумкин:

"А" гуруҳи	"С" гуруҳи	"Е" гуруҳи
Янги Зеландия Украина АҚШ Мьянма	Қатар Колумбия Португалия Африка қитъаси вакили	Африка қитъаси чемпиони Бразилия КХДР Венгрия
"В" гуруҳи	"D" гуруҳи	"F" гуруҳи
Аргентина Панама Африка қитъаси вакили Австрия	Мексика Африка қитъаси вакили Уругвай Сербия	Германия Фижиги ЎЗБЕКИСТОН Гондурас

Қўриб турганингиздек, Ўзбекистон ёшлари Германия, Фижиги ҳамда Гондурас термалари билан кураш олиб боради. Вакилларимизнинг жаҳон чемпионатидаги илк ўйини 1 июнь куни бўлиб ўтади. Равшан Ҳайдаров шогирдлари 1-турда Гондурас ёшлар терма жамоасига қарши майдонга чиқишади.

1 июнь. 1-тур. Крайстчерч.
(Тошкент вақти билан соат 09:00)
Ўзбекистон — Гондурас
Германия — Фиджи

4 июнь. 2-тур. Крайстчерч.
(Тошкент вақти билан соат 09:00)
Германия — Ўзбекистон
Фиджи — Гондурас

7 июнь. 3-тур. Фангарей.
(Тошкент вақти билан соат 07:00)
Ўзбекистон — Фиджи.
Гондурас — Германия



Антонио Конте келишилган ўйинларга алоқадорми?

Италия терма жамоаси бош мураббийи Антонио Конте Кремен шаҳри прокуратураси томонидан келишилган ўйинлар бўйича ишга алоқадорликда гумон қилинаётганлиги ҳақида расман хабардор қилинди.

Конте 2010-2011 йилларда "Сиена" клубини бошқарган ва бир неча ўйинларнинг келишилган характерга эга бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни яширганликда гумон қилинмоқда.

Уша мавсум охирида "Сиена" клуби "А" серияга йўлланмани қўлга киритган. Конте бу иш бўйича тўрт ойлик дисквалификацияни ўтаб бўлган.

Шунингдек, "Аталанта" бош мураббийи Стефано Колатуоно ҳам келишилган ўйинларга алоқадорликда гумон қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ушбу коррупцион ҳаракат бўйича 50 нафардан ортиқ киши ҳибсга олинган.



Чемпионлик сабаб дам олиш куни

Кот-д'Ивуар президенти Аулассан Аттара мамлакат терма жамоасининг Африка Миллатлар Кубогидаги галабасидан сўнг мазкур ҳафтанинг бошини, аниқроғи, душанба кунини бутун мамлакатда миллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилди.

Таъкидлаш лозим, Кот-д'Ивуар терма жамоасининг галабасидан сўнг айтини дамда мамлакатда катта байрам тантаналари бўлиб ўтмоқда. Маълумот учун, Африка чемпионларини аэропортда минглаб мухлислардан ташқари мамлакат президенти Аулассан Аттара бошчилигидаги расмий шахслар ҳам кутиб олишган.

Ибрагимовичнинг ҳайкали Париж музейида

1882 йилда очилган Париждаги машҳур Гревен музейида Швеция терма жамоаси ҳамда Франциянинг "ПСЖ" клуби ҳужумчиси Златан Ибрагимовичнинг ҳайкали ўрнатилди.

"Кейинги қадам — менинг ҳайкалим билан Эйфел минорасини алмаштириш (кулади)", — дейди Ибрагимович.


Эслатиб ўтамиз, Гревен музейида машҳур футболчиларнинг ҳайкаллари жуда кўп. Улар орасида Копа, Зидан, Платини, Бартез, Десайи, Роналдо, Пеле каби юлдузлар бор.



Дани Алвеш «МЮ»га шарт қўймоқда

Жорий йилнинг ёзида шартнома-си ўз якунига етадиган Каталониянинг "Барселона" клуби футболчиси Дани Алвеш Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клубига ўтишга тайёр. Аммо у манчестерликлардан ҳафтасига 100 минг фунтлик маош ҳамда уч йиллик шартнома сўрамоқда.

Бразилиялик 31 ёшли футболчи "Барселона" клуби билан ҳам шартномани узайтиришга қарши эмас. Бироқ у каталонияликлар билан ҳам камида уч йиллик шартнома тузмоқчи.



Максудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Сардор Нишоновга турмуш ўртоғи

Ирода АКРАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихзор этади.

Ҳуқуқ

yuridik gazeta

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqrib qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma S-2111. 47 805 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Sahifalovchi: S.BABAJONOV
Navbatchi: O' .DEHOONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004